



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (11.748)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда «Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси ҳамкорлигида «Банк фаолиятини амалга оширишда ҳакамлик судлари билан ҳамкорлик» мавзусидаги ўқув-семинар машғулоту бўлиб ўтди.

● Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний истирохат боғида «Ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдори» шиори остида акция ўтказилди. Тадбир Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида «Соғлом ёшлар» лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

● Навоий шаҳар ҳокимлиги, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этди. Тадбирда иштирок этган 104 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборатдир.

● Деҳқонobodлик тадбиркор Нодира Бойназарова лойиҳа қиймати 200 миллион сўмлик янги технологик линияни ишга туширди. Ҳозир бу ерда хорж технологияси ёрдамида бир кеча-кундузда икки тоннага яқин ўн турдаги мазали ва хуштаъм нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Янги цехнинг ишга туширилиши натижада корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бир ярим баробарга ошди.

● Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Ўзимизнинг кўғирчоқлар» деб номланган кўرғазма ташкил этилди. Болаларни миллий қадриятларимизга садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини маъмул ташкил этишга қаратилган мазкур тадбирда Меҳрибонлик уйлари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этиб, ўзлари тайёрлаган кўғирчоқларни намойиш этишди.

● Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги савдога ихтисослаштирилган «Широбом» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш жараёни ҳам йўлга қўйилди. Хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган ушбу корхонада ойига беш минг дона бежирим ва сифатли кийим-бош тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Косово президенти Ф.Сейдиу истеъфога чиқди.

● Грузия Осиё тараққиёт банки билан 15 йил муддатга юз миллион долларлик кредит ажратилишига келишиб олди.

● Кейинги йиллар давомида МАГАТЭ ташкилотига Покистон раислик қилади.

● АҚШ президенти вакили Д.Митчелл юзага келадиган можароларнинг ечимини топиш учун зудлик билан Яқин Шарққа жўнаб кетди.

● Жаҳон бозорида олтин нархи 0,3 фоизга ошиб, бир унция тилланинг қиймати энг юқори тарихий даража, 1300,15 долларга етди.

● Германия аэропортларида инсон танасига яширилган барча курол-яроғлар ва портловчи моддаларни ўта аниқлик билан топишига мўлжалланган янги сканерлар синовдан ўтказилмоқда.

● Кейинги кунларда Доғистондаги вазият анча кескинлашиб, бир неча террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Мамлакат миқёсида террорчиларга қарши тезкор кураш олиб борилди. Жумладан, Қизилорт туманида амалга оширилган махсус операциялар чоғида тўрт нафар жангари йўқ қилинди.

● Бельгия пойтахти Брюссель шаҳридаги кўп қаватли турар жой биноларидан бирида портлаш юз берди. Натижада икки киши ҳаётдан кўз юмди, 17 та одам тан жароҳатланиб олди. Шунингдек, учта хонадонга ҳам жиддий шикаст етган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларининг билдиришича, портлаш газ сизиб чиқиши туфайли юз берган. Суриштирув ишлари давом этмоқда.

● Япониянинг «Toyota Motors» компанияси 2012 йилга бориб, гибрид ва электр двигателли олти хил автомобиль ишлаб чиқаришни режалаштирди. Компания вице-президенти Такеши Ючиамунунинг айтишича, янги русумдаги автомобилларнинг баҳоси 40 минг АҚШ доллари атрофида бўлади.

ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИЛҲОМ АЛИЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифига биноан
Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 27 сентябрь куни
расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги асрлар давомида мустақамланиб келадиган яқин дўстлик ва биродарлик алоқалари, маданият, тил, дин ва анъаналарнинг муштараклиги мамлакатларимизнинг кенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги муносабатлар истиқлол йилларида янги, сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтарилди.

Тошкент ва Бокуда ўзаро ишонч, дўстлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган муносабатлар юксак қадрланади. Давлат раҳбарлари ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказиб турилади.

Кўксарой қароргоҳида 27 сентябрь куни Озарбойжон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислон Каримов ва Илҳом Алиев шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг давлат мадҳиялари янгради ва Президентлар фахрий қоровул сафи олдиндан ўтдилар.

Икки мамлакат раҳбарларининг яқма-яқма суҳбатида Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, шунингдек, томонларни қизиқтирган кўплаб бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Сизнинг Ўзбекистонга ташрифингизни муҳим воқеа, изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг мантиқий давоми деб биламиз. Менинча, Сиз билан учрашувларимиз, фикр алмашувларимиз, давлатларимиз учун манфаатли бўлган долзарб, айтиш мумкин, ўта муҳим ва ўткир масалаларни муҳокама қилишимиз катта аҳамиятга эга. Ҳали Озарбойжон ва Ўзбекистон манфаатлари учун гоят муҳим бўлган ва ҳозирча фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Шубҳасиз, биз минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кенг қўламли масалалар юзасидан фикр алмашуви учун имкон топамиз, — деди Ислон Каримов.

Ўз навбатида, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев давлатимиз раҳбарига Ўзбекистонга таклиф этгани учун самимий миннатдорлик билдириб, Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларда тўла ўзаро англашув қарор топангани қайд этди.

— Ўзбекистон эришадиган ютуқлар бизни ҳам жуда қувонтиришини яна бир бор таъкидламоқчиман. Истиқлол йилларида Ўзбекистон минтақанинг қудратли ва етакчи давлатига айланди. Сизнинг раҳнамолигингизда, принципал ва оқилона сиёсатингиз туфайли Ўзбекистон улкан марраларга эришди. Буни бугун кўрмаслик, тан олмаслик мумкин эмас. Ҳатто ўзгаларнинг йўриги билан иш тутадиган кузатувчилар ҳам буни эътироф этишга ва ҳисоблашишга мажбур бўлмоқда. Биз Ўзбекистоннинг мустақил, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан юритаётган қатъий сиёсатини юксак қадрлаймиз. Барчамизга аёнки, дунёда ҳар доим ҳам бундай ёндашувга гувоҳ бўлавермаймиз. Биз барча соҳаларда ўзаро муносабатларимизни катъий билан ривожлантириш тарафдоримиз, — деди Илҳом Алиев.

Шундан сўнг Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси иқтисодий юксак суръатлар билан ривожлантираётган санъат мамлакатлар қаторидан жой олди. Бу эса икки мамлакат танлаган ривожланиш моделларининг ҳаётийлиги ва юксак самарадорлигидан ёрқин далолатдир.

Кўксарой қароргоҳидаги музокараларда томонлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ошириш учун катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди. Озарбойжон Президентининг юртимизга ташрифи арафасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Озарбойжон ҳукуматларо қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди ва унда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш истиқболлари белгилаб олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Озарбойжонга транспорт воситалари, рангли металллар, электрик ва механик ускуналар, турли оптик жиҳозлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беради, транспорт, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатади. Озарбойжоннинг Ўзбекистонга экспорти асосан механик ускуналар, дори-дармон, пластмасса, шакар ва қандолат маҳсулотлари, турли органик кимёвий бирикмалар, кўнчилик ва бўёқчилик экстрактларидан иборат.

Мамлакатларимиз фуқаро авиацияси соҳасида самолёт эҳтиёт қисмлари етказиб бериш, ҳаво кемаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, учувчилар ва техник-муҳандис ходимларни ўқитиш каби йўналишлар бўйича фаол ҳамкорлик қилмоқда.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг сармоявий салоҳияти ҳам икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш учун яхши имкониятлар яратади. Бу ерда биргаликда янги ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этиш, китъаларо авиаташув соҳасида ҳамкорлик қилиш истиқболда Ўзбекистон учун ҳам, Озарбойжон учун ҳам бирдек манфаатли бўлади.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислон Каримов ва Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Озарбойжон Республикаси Президентини қўшма декларациясини имзоладилар. Шунингдек, 2011-2015 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларо битим, телерадиокомпаниялар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Бадий академияси билан Озарбойжон Миллий фанлар академиясининг Меъморлик ва санъат институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда икки томонлама ҳамкорлик янада ривожланиб бораётганидан далолат берувчи бошқа қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислон Каримов ва Илҳом Алиев музокаралар ўзаро ишонч ва дўстлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Мамлакатимиз раҳбари музокараларда яқин вақт ичида Тошкент ва Бокуда Озарбойжон ва Ўзбекистон ютуқларининг миллий кўрғазмаларини ташкил этиш хусусида келишиб олинганини маълум қилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Ислон Каримов ва Илҳом Алиев Мустақиллик майдонида ташриф буюрдилар. Озарбойжон раҳбари ҳурриятимиз, эзгу ниятларимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Илҳом Алиев Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг қўламли, улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолияти билан танишди. Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг олий қонун чиқарувчи органлари — Олий Мажлис ва Миллий Мажлис ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Озарбойжон Республикаси Миллий Мажлисида «Озарбойжон-Ўзбекистон» йирик парламентларо ишчи гуруҳи тузилган. Парламентлар аъзолари икки мамлакатда бўладиган умумхалқ сайловларида, референдумларда мунтазам қатнашиб келади.

Ислон Каримов ва Илҳом Алиев 2009 йили Тошкентда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройига ташриф буюрдилар. Сарой йирик халқаро конференциялар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Озарбойжон Президенти саройнинг миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этган меъморлик ечимини дизайнга юксак баҳо берди. Илҳом Алиев ушбу мухташам сарой Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан юксак салоҳиятга эга давлат эканидан яна бир далолат бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Озарбойжон раҳбарлари Хазрати Имом мажмуини зиёрат қилдилар. Бу ерда Илҳом Алиев муқаддас Куръоннинг энг нодир кўлёмаси — Усмон Муҳафани кўздан кечирди ва мажмуанинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданият соҳасидаги алоқалар ҳам фаол ривожланмоқда. Илҳом Алиев Озарбойжон халқининг миллий лидери Хайдар Алиев номи билан аталувчи Тошкентдаги Озарбойжон Маданият марказининг янги биноси очилишида иштирок этди. Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг маданият ва санъат намоёндалари, спортчилари мамлакатларимизда ўтказиладиган турли фестивалларда, халқаро спорт мусобақаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Янги очилган марказ икки биродар халқнинг дўстона муносабатларини янада мустақамлашга, маданий алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **1-ТОШКЕНТ** педагогика коллежида Чилонзор тумани хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Ёш оила» мактаби тингловчиларининг «Оила соғломлиги — жамият мустақамлиги» мавзусидаги ўқув машғулоту ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида «Экологик қонунчиликни таъминлашда ёшларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** «Ўзбекистон» спорт мажмуасида мини-футбол бўйича республика чемпионати старт берилди.

✓ **БУГУН** «Ўзэкспо-марказ» мажмуасида қурилиш соҳасига бағишланган VII халқаро кўрғазма очилди.

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Дунёга донғи кетган Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуддек алп ўғлонлари билан халқимиз фахрланади. Бугунги ёш авлод ҳам аждодлари каби мард, жасур, ватанпарвар бўлиб вояга етиши йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар кўлами кенгдир.

Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирда мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ миллий армия сафларини жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук кадрлар билан шакллантириш, сарҳадлар дахлсизлиги, она Ватан тинчлиги ва осудалигини муносиб ҳимоя қилишга қодир ўғлонларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар юксак самара бераётгани, ёшларимизнинг пухта билим олиши, Куролли Кучлар қаторида хизмат қилиши, спорт

билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилганини ҳақида сўз борди. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишига асосан олий ҳарбий билим юртрада офицер кадрлар тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш, ҳарбий касб нуфузини юксалтириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларимизнинг бу соҳага бўлган қизиқиши, интилиши ортиб бораётгани-

ни ҳам таъкидлаш ўринлидир. Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида асосан ҳарбий алоқачилар тайёрланади. Бўлғуси офицерларнинг келгусида профессионал кадр бўлиб етишиши учун бу ерда барча имкониятлар мавжуд. Мудофаа вазирлиги, мамлакатимиз Куролли Кучлари фахрийлари, ТАТУ махсус факультети ўқитувчи ва талабалари иштирок этган тад-



бирда эришган ютуқлари, намунали ҳарбий интизом, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига қўшаётган ҳиссаси учун бир гуруҳ офицерлар, сержантлар ва ишчи-хизматчилар фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Юнусобод тумани ҳокимлиги, маънавият та-

рғибот маркази бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ҳаваскор бадий жамоалар ва таниқли санъаткорлар ижросида янграган дилрабо куй ва кўшиқлар барчага хуш кайфият улашди.

Шахризода МУҲСИМОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

Мамлакатимизда давлат ва ҳўжалик бошқаруви, жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қозғодан тежамкорлик билан фойдаланиш, қозғоз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда технология йўқотишларни камайтириш имконини берадиган стандартлар изчил жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июлда қабул қилинган «Республикада қозғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, бу борада қабул қилинган чора-тадбирлар қозғоз маҳсулотларини теңдер асосида харид қилиш тизimini такомиллаштириш ва сотиб олиш харажатларини камайтиришга хизмат қилади. Мамлакатимизда бошқарув тизimini такомиллаштириш, маҳаллий ва тармоқлараро вазифаларни тежор ҳал этиш, қозғоз сарфини камайтириш мақсадида компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан электрон ҳужжат айланиши изчил жорий этилмоқда, давлат ва идоравий интерфаол хизмат кўрсатиш турлари тармоғи ривожланмоқда. Натиждада қозғоз сарфи 10 фоиздан 40 фоизгача қисқаради.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳам замонавий техника, янги технологиялар ва илгор тажрибани жорий этиш орқали техник эҳтиёжлар учун ишлатилаётган қозғоз сарфи босқичма-босқич камайтирилмоқда. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид стратегик мақсадларни рўйбга чиқаришда фаол иштирок этиш Савдо-саноат палатаси фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Палата Президентининг Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тадбиркорликни ташкил этиш ва унинг тизимли фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Бу ерда ташкилий, инфратузилмавий, интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга доир ишлар мунтазам йўлга қўйилган. Савдо-саноат палатасининг таркибий бўлиmlари, жумладан, ижроия кўмитаси, 14 ҳудудий бошқармаси, икки юздан ортиқ ахборот-маслаҳат маркази, 14 ҳакамлик суди, 3 тренинг-ресурс маркази ва 17 унитар корхона томонидан тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатишмоқда. 20 мಿಂದан зиёд ҳўжалик субъекти унинг аъзолари саналади. Палата ҳорижда 21 ваколатхонага эга, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Индонезия каби мамлакатлар ҳамда Европа иттифоқидagi 50 дан ортиқ ҳорижий шериклари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатган.

Палатаимизнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлиmlарида операция сарф-харажатларини камайтириш мақсадида белгиланган вазифалар ва палата зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ барча жорий бизнес жараёнларга ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. — дейди УАА муҳбирига Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг истикбол ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи Нодир Султонмухамедов. — Хар йили марказий аппарат ходимлари томонидан факсимил алоқа орқали олинган 20 мಿಂದан ортиқ хат, 5400 ҳужжат, info@chamber.uz корпоратив почта манзилига келган 1200 мурожаат ҳамда электрон почта орқали олинган 50 мಿಂದан ортиқ хат кўриб чиқилди. Бу нафақат кўллаб қозғоздаги, балки электрон ҳужжат айланиши амалга оширилишидан далолатдир. Аммо, аслини олганда, қозғоз айланиши фақат девонхона томонидан камайтирилмоқда. Қозғоз айланишининг 60 фоизини турли вазирлик, идора ва ташкилотлардан келадиган хатлар ташкил қилади. Қолган 40 фоизи муайян давлат органларига юборилиши шарт бўлган ҳужжатлардир. Мисол учун, аъзоларимиз манфаатини ҳимоя қилиш учун судга ариза берадиган бўлса, одатда, ҳужжатларнинг 15-20 бетдан иборат қозғоз шаклидаги бир неча нусхаси илова қилинади.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, Савдо-саноат палатаси жорий фаолиятга, биринчи навбатда, ҳудудий бошқармалар ва туман ахборот-маслаҳат марказлари ходимлари ўртасида янги компьютер технологиялари ва дастурий таъминотни жорий этишга ҳаракат қилмоқда. Марказий аппаратда 40 нафардан ортиқ бошқарув ходими меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири компьютер ҳамда мамлакатимиз ва ҳорижда ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларнинг офис пакетидан фойдаланади. Марказий аппарат, 14 ҳудудий бўлими ва 58 ахборот-масла-

хат маркази ягона корпоратив тармоқда (VPN) бириктирилган бўлиб, электрон ҳужжат айланиши тизими, корпоратив электрон почта, тежор маълумотлар хизмати, «Норма» дастури тармоғи, Маълумотлар узатиш миллий тармоғи ресурслари (Интернет), шу жумладан, Қонунчилик маълумотларининг миллий базаси, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг турли жиҳатлари бўйича палатанинг ахборот ресурсларидан (маълумотлар базаси, методологик материаллар, электрон шаклдаги каталоглар) фойдаланмоқда. Иш унумдорлигини ошириш ва палата ходимлари ўртасида тежор алоқани таъминлаш мақсадида электрон ҳужжат айланиши тизими жорий этилиб, самарали қўлланилмоқда. 2006 йилда палата аъзоларидан бирининг ёрдами билан «Гермес» электрон ҳужжат айланиши тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим ижро интизомини таъминлаш, давлат маъсасаларида қўлланилаётган иш юритиш бўйича амалдаги қондаларга биноан ташкил этилган. Бу келадиган ва жўнатиладиган хат-

лумотлар базаси ва ахборот ресурсларига улашиш имконига эга бўлган ҳудудлардаги 200 нафардан ортиқ фойдаланувчини ўз ичига олган. 2009 йилда 58 ахборот-маслаҳат маркази идоровий корпоратив тармоққа уланди.

Савдо-саноат палатаси марказий аппаратининг халқаро ваколатхоналари, савдо-инвестиция уйлари билан алоқасининг 90 фоизи телефон, факсимил алоқа ва электрон почта орқали амалга оширилади. Бугунги кунда оғирлиги 200 граммгача бўлган ҳужжатларни Тошкентдан Лондонга жўнатиш нархи камиди 80 миң сумни ташкил қилади. Сарф-харажатларни камайтириш мақсадида нотариал тасдиқланадиган ва муҳрланадиган ўта муҳим ҳужжатлар почта орқали жўнатишмоқда.

Хар қандай муассасанинг бухгалтерия ва молия бўлиmlари, одатда, кўп миқдорда қозғоз ва бошқа канцелярия маҳсулотларини ишлатади. Масалан, ҳисоб-китоблар ва тўлов топшириқномасидан нусха олиш учун. Ходимлар иш унумдорлигини оши-

Қарор ва ижро

ҚОҒОЗДАН — АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА

ларни рўйхатга олиш, топшириқлар бажарилишини, таркибий бўлиmlар ўртасида ички ёзишмалар, хизматга доир маърузаларни назорат қилишни ташкил этиш тизимига тааллуқлидир. Мазкур тизим ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомини аҳоли мониторингини ташкил қилишга ёрдам бериш билан бир қаторда, ҳар бир топшириқни бажариш вақти ва жараёнини, ходимларнинг иш билан бандлик даражасини назорат қилиш имконини беради. Бундан ташқари, тадбирлар ва ҳужжатлар устида биргаликда ишлаш палата ходимлари электрон почта ҳамда тежор маълумотлар корпоратив дастуридан унумли фойдаланмоқда.

Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, марказий аппаратда электрон ҳужжат айланиши тизимидан 95 фоиди фойдаланилмоқда. Негаки ходимларнинг принтер ва нусха кўчириш техникасидан фойдаланиши чекланган ва қатъий назоратга олинган. Палатада жорий этилган қозғоз сарфини мейёрлаштириш тизими қозғоздан тўғри фойдаланиш имконини бермоқда. Бунинг учун девонхона ходимлари келадиган ва жўнатиладиган ҳамда ички ҳужжатлардан электрон нусха олиб, уларни «Гермес» электрон ҳужжат айланиши тизимининг маълумотлар базасида электрон шаклда сақлайди. Кейинги беш йилда Савдо-саноат палатасининг ҳужжатлари электрон шаклда тўлиқ сақланмоқда. Бу йилга қозғоз сарфини 10-15 фоиз камайтириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, 2009 йилда бизнес-жараёнларни оптималлаштириш, марказий аппарат бўлиmlари ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида ISO: 9001 стандарти бўйича «Гермес» электрон ҳужжат айланиши тизими билан боғлиқ сифат менежменти тизими ишлаб чиқилиб, жорий этилди ва сертифициқ олинди.

Савдо-саноат палатаси марказий аппаратининг ҳудудий бўлиmlар билан алоқаси электрон ҳужжат айланиши орқали амалга оширилаётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Хар бир ҳудудий бўлимда 10-15 киши ишлайди, уларнинг ярми кундалик фаолиятда компьютердан фойдаланади. Улар ўртасида деярли барча вазирмалар электрон почта ёки палатанинг 2005 йилда ташкил қилинган ягона корпоратив тармоғи орқали амалга оширилади. Ушбу тармоқда маҳаллий ёхуд корпоратив тармоқ доирасида ўзаро боғланган 180 компьютер ишлаб турибди. Ушбу тармоқ марказий аппарат серверларида жойлашган ягона маъ-

ки, БМТнинг Тараққиёт дастури техник кўмағида, шунингдек, палатанинг ўз маблаглари ҳисобидан палатанинг корпоратив тармоғи орқали асосий серверга уланган электрон терминаллар/дўконлардан фойдаланган, ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш учун сервер ҳамда коммуникация ускуналари харид қилинди.

Марказий аппарат ва барча вилоятлардаги бўлиmlарда Савдо-саноат палатасининг маълумотлар базасига уланган махсус техника ўрнатилди. Унда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатлар, молия ресурсларининг мавжуд манбалари, ер участкаларини ажратиш ва уларга коммуникация/алоқа тармоғини ўтказиш тартиби, коммунал хизматлар билан таъминлаш, фаолиятни рўйхатга олиш ва лицензиялаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, солиқ солиш ва солиқ ҳисобдорлиги, хомашё ресурслари, маҳсулотларни сотиш бўйича истиқболли бозорлар, маҳаллий ва ҳорижий технология ускуналар, инновация технологияларидан фойдаланишга оид ахборотлар жойлаштирилади. Дўкондан хар бир фойдаланувчи оддий ва қўлай шаклда зарур ускуналар, кўргазмалар, банкар, кредитлар, турли рўхсатномаларни берадиган давлат органлари тўғрисидаги маълумотларни олиши, маслаҳат, шунингдек, маълумотлар базасида жойлаштирилган юзлаб саволларга жавоб топиши мумкин. Фойдаланувчи ўз саволига жавоб топа олман ҳолда, уни реал вақт режимида мутахассисларга жўнатиши мумкин.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси интерфаол хизматларини янада ривожлантириш, давлат секторида ҳужжат айланиши тизimini такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлиги ҳамда тежорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан фаол ҳамкорлик қилаётди.

Яқин келажакда «электрон ҳужжат» тизimini янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Негаки, бугун тадбиркорларнинг турли бўғиндаги раҳбарлар билан ўзаро ҳамкорлиги бевосита қозғоз шаклидаги ҳужжатларни олиш ва қатор ваколатли органларга бериш қанча нусхаларда тақдим этиш билан боғлиқ. Айнан шу боис Савдо-саноат палатаси дастлабки босқичда барча давлат органларига ҳужжатларни электрон шаклда топшириш тизimini тақлиф этишни режалаштирмоқда. Иккинчи босқичда эса тадбиркорлар тўғридан-тўғри давлат органларига мурожаат қилмасдан, офиси ёки уйдаги компьютерда ўзи бизнесини рўйхатдан ўтказиши, банкда ҳисоб рақамини очиши, тўловларни амалга ошириши, ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотнома ёки рўхсатнома олиши учун имкониятлар яратилади.

«Электрон ҳужжат»ни ривожлантириш катта салоҳиятга эга, — дейди Нодир Султонмухамедов. — Масалан, бугун тадбиркорлар муайян интерфаол давлат хизматлари (кўпроқ ахборот хизматларидан фойдаланиши, Давлат солиқ кўмитаси ёки Давлат статистика кўмитасига электрон шаклдаги айрим ҳужжатларни тақдим этиш имконига эга. Савдо-саноат палатаси бу борадаги ишларни янада ривожлантиришни режалаштирмоқда. Чунки кўллаб қорхоналар ўзининг молиявий ва бошқарув ҳисобдорлигини турли дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда шакллантирмоқда. Ҳисоботларни тузиш ва давлат органларига электрон почта бўйича компьютер орқали жўнатиш имкониятини жорий этиш, биринчидан, вақтни тежайди, иккинчидан, давлат органлари ходимлари ҳамда тадбиркорлар учун қозғоз сарфини камайтириш имконини беради. Мамлакатимизда ҳуқуқнинг бизнес билан ўзаро ҳамкорлигини соддалаштириш тизимлари, масалан, электрон савдо тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш палата учун устувор вазифа ҳисобланади. Бу тизимлар, ўз навбатида, компанияларга реал вақтда товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш, шартномалар тузиш, Интернет тармоғи ёки тендерларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишлар учун вақт ҳамда харажатларни камайтиришдан электрон давлат харидлари тизимларидан фойдаланиш орқали логистика жараёнларини амалга ошириш имконини беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА

Иқтисодиёт

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЯДИ

Хорижий ҳамкорлар билан шерикликда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозоримизда ўз харидорини топмоқда. Муҳими яна шундаки — аҳолига кўплаб иш ўринлари ҳам яратилмоқда.

Буюк Британия билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган масъулият чекланган жамият шаклидаги «Atlas Invest» қўшма корхонасида ҳозирги кунда 200 нафардан зиёд малакали ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда гурт ишлаб чиқарилади.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, корхонада ўрнатилган замонавий технологик линияларни бошқариш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот харидорлигини таъминлаш мақсадида бу ерда ишлаётган мутахассислар Череповец (Россия) гурт фабрикасида тажриба орттирди.

Ҳозирда иккита линия тўла қувватда ишлаб, ички бозорнинг гуртга бўлган эҳтиёжи 70-80 фоизга қондирилмоқда. Корхонада маиший ва ҳўжалик гуртлари тайёрланмоқда. Матбаа, кимё, картон кесиш ҳамда асосий маҳсулот — гурт тайёрлаш ва қадоқлаш цехлари бир маромада ишламоқда.

«Atlas Invest» савдо белгиси билан тайёрланаётган маҳсулот турларини янада кўпайтириш мақсадида корхонада модернизация қилиш, шу аснода ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътибор қаратиляпти.

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Сифати билан ўз харидорини топаётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда тадбиркорларимизнинг изланишлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда «Qahramon-ilm» шўъба корхонаси маҳсулотларининг четдан келтириладиган товарлар ўрнини хар томонлама қоплаши, харидор талабига жавоб бериши, эҳтиёжини қондираётганини мисол қилиш мумкин.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти саврини учун аънавий тарзда ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танлови, — дейди шўъба корхона раҳбари Қаҳрамон Ғуломов, — тадбиркор ва хунармандларни рағбатлантиришда, янги эзгу мақсадлари сари илҳомлантиришда беқиёс аҳамият касб этмоқда. Айниқса аҳолига, биринчи навбатда ёшларимизга янги иш ўринлари яратилаётгани муҳимдир. Кичик корхонамиз мисолида айтадиган бўлсам, «Ташаббус» кўрик-танловида бир неча бор турли номинацияларда совринли ўринларни қўлга киритдик. Жорий йилда эса «Энг муруватли тадбиркор» номинациясига муносиб деб топилди. Корхонамиз асосан электр узайтиргичлар тайёрлашга иختисослашган бўлиб, бюртмачи талаб-истагига кўра 1,5 метрдан то 20 метргача ишлаб чиқарамиз.

Корхонада бирламчи восита асосан «Андижонкабель» акциядорлик жамиятидан келтирилиб, узайтиргичлар тайёрланади. Маҳсулот ички бозорда ўз ўрнини топиши учун саъй-ҳаракатлар кўлами кенг. Йилдан-йилга маҳсулот турлари талаб ва тақлифлар асосида янгилиниб боришмоқда.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

ЯНГИ КўРГАЗМА ОЧИЛДИ

Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «IJOB» рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси томонидан ташкил этилган «Чизиқлар ва пластика» мавзусидаги кўргазма очилди.

Кўргазма экспозицияси, деб хабар беради УАА, замонавий ўзбек рассомлари ижодида сурат эстетикаси ва шаклларининг янги жиҳатларини очиб беради. Бу ерда «IJOB» уюшмаси аъзоларининг графика, ҳайкалтарошлик, замонавий кулолчилик ва инсталляция йўналишларидаги ишлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма номи рамзий хусусиятга эга. Айнан чизиқлар ва пластика тасвирий санъатнинг муҳим қирралари ҳисобланади. Кўргазмада турли йўналиш ва бетакрор услубда ижод қиладиган рассомлар иштирок этмоқда. Улар ушбу мавзунини, турли услублардан фойдаланган ҳолда, ранг-баранг жанрларда ўзига хос тарзда янгича талқин қиладилар.

Кўргазма 8 октябрга қадар давом этади.
Назокат УСМОНОВА

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши «Сарҳад билмас дўстлик» шiori остида ҳар йили ўз тузилмалари ҳамда Ўзбекистондаги хорижий элчихоналар билан ҳамкорликда анъанавий «Тасанно» моҳир ошпазлар халқаро кўрик-танловини ўтказиб келмоқда.

Танловлар

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



Бундай тадбирларда тадқиқотчилар томонидан эришилган ютуқлардан ахборот олибгина қолмасдан, муаммоларни ҳам ҳал қилиш йўллари изланади, ечими кутилаётган масалалар ўртага ташланади. Шу тариқа фан ва ишлаб чиқаришда янги йўналишлар белгиланади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекэнерго» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси ҳамкорлигида «Глобаллашув шароитида инновацион технологияларни шакллантириш ва амалиётда қўллаш муаммолари» мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ҳам қайд этилган йўналишлар доирасида ўтди.

Конференция Тошкент Давлат техника университети ректори Ш. Шообидов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари М. Каримов, хорижий давлатлар вакиллари ва бошқаларнинг чиқишлари билан бошланди.

Уч кун давом этган анжуман доирасида «Нефть ва газ соҳасидаги илмий ҳажмдор ва юқори технология услублар. Кимёвий технология, санаят экологияси», «Энергетика, энергия ва ресурслар ҳамкор инновацион технологиялар», «Геология ва тоғ-кон санаятида инновацион технологиялар»,

Маълумки, ҳар бир халқнинг таом тайёрлаш анъанаси ва маданияти кўп асрлик тарихга эга. Таом тайёрлашда халқ турмуш тарзи, урф-одатлари ва иқлим шароитлари ўз аксини топган. Шу боис таом тайёрлаш анъанаси ва маданияти умумхалқ маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Тошкентдаги «Tashkent palas» меҳмонхонасида ўтказилган бу галги анъанавий кўрик-танловда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий элчихоналар иштирокидан ташқари, ўзбек миллий таомларини меҳмонларга таништириш мақсадида пойтахтимиз рестороноларида фаолият юритаётган моҳир ошпазлар ҳам иштирок этди.

Тадбирда Покистон, Вьетнам, Туркия, Миср, Эрон, Украина, Туркменистон, Грузия, Чехия, Польша, Россия каби давлатлар вакиллари қатнашди. Тайёрланган таомлари билан миллатлар тарихи ва маданияти ҳамда урф-одатларини халқ дипломатияси йўли билан дунё халқларини яқиндан таништиришга ўз ҳиссасини қўшган ошпазларга «Fanon», «Offise Market», «Alokazay», «Inter-Press», «Cinema Market», «Tashkent palace» ҳамда кенгашининг Андижон, Наманган, Навоий ва Самарқанд ви-

лояти бўлимлари ҳамийлари томонидан қимматбаҳо совғалар, «Тасанно-2010» ёзуви ифодаланган медаль ва дипломлар тақдим этилди.

— Гап бир-бирдан мазали овқатларни тановул қилишда эмас, асосийси таомлар орқали халқлар тарихи ва маданиятидан, уларнинг жуғрофий шароитидан бохабар бўлишдир, — дейди Саудия Арабистони вакили Хуршидбек Тошкандий. — Дўстлик жамиятлари кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир миллатлар ўртасидаги ахиллик ришталарини янада мустаҳкам боғлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Кўрик-танлов барчада катта таассурот қолдирди. Миллий таомлар тақдимотидан ташқари, Миср маданий марказининг бадиий чиқишлари, ушбу давлат миллий либослари кўргазмаси намойиши, Ҳиндистон маданий маркази хаваскорлари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги «Регистон», Фанижон Тошматов номидаги дугорчи қизлар дастаси томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга янада фойз қўрди.

**Дилшод КИРОЛОВ
Козим Ўлмасов олган суратлар**

Анжуманлар

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

«Таълим-фан-ишлаб чиқариш» тизими изчиллигини таъминлаш борасида инновацион жараёнлар салмоғини ошириш кўп жиҳатдан илмий тадқиқотларнинг доимий ўсиб боришига боғлиқ. Бу борада давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиладиган конференциялар муҳим аҳамият касб этади.

«Машинасозликда ва авиация соҳасида инновацион ишланмаларни таъбиқ этиш ва муаммолар», «Электроника ва санаятнинг автоматлаштириш», «Метрология ва стандартлаштириш соҳаларида инновацион ишланмалар ва муаммолар», «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида инновация», «Санаятда иқтисодий ислохотлар» каби йўналишлар бўйича шўбалар фаолият кўрсатди. Хорижий давлатлар вакиллари ҳам қатнашган умумий мажлис ва шўбаларда 300 дан ортиқ долзарб мавзудаги маъруза ва бошқа илмий-амалий ишлар тақдим этилиб, муҳокама қилинди. Биринчи марта Тошкент Давлат

техника университети докторанти, аспиранти ва тадқиқотчилари томонидан тайёрланган докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, университетда олиб борилаётган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар, ҳужалик шартномалари асосидаги илмий тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинди. ТошДУда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари акс этган стендлар, монография, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Шуни айтиш керакки, бундай кенг қўламадаги халқаро анжуман университет

негизда ўтказилиши беҳиз эмас. Бу даргоҳ нафақат техник ва иқтисодий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи етакчи олий ўқув юрти, балки таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишда ҳам йирик илмий-тадқиқот марказ ҳисобланади. Университетда илмий-тадқиқот ишлари ҳужалик шартномалари асосида «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Шўртангаз» ОАЖ, «Ўзбеккиммасаноат» ИЧБ, «Ўзбеккумир» ОАЖ, «Ўзбекэнерго» ДАК, «ХК Ўзқўшқўқўжалик-машҳолдинг», «ХК ЎзКТЖМ», Олмалик конметаллургия комбинати, Навоий конметаллургия комбинати, «Ўзметкомбинат» АИИБ, «Муборакнефтгаз» ЎШК каби бир қатор корхоналар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Анжуман фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш борасида баҳарилган ишларнинг сарҳисоби бўлибгина қолмасдан, ундаги маъруза ва тақдим қилинган ишларнинг наشر қилиниши илмий ҳодимлар, ишлаб чиқариш вакиллари, профессор-ўқитувчилар, аспирантлар, магистрлар ва иқтидорли талабалар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчиларининг кенг қатламларида конференцияда кўтарилган долзарб масалалар бўйича билимларини кенгайтиришда, ижодий ишларида, илмий йўналишларини белгилашда асқотади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни
УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ**

Илм ва одоб тубсиз ҳазина. Кимки унга эга бўлса, қадр қиймати баланд бўлади. Маънавияти юксак, дунёқароши кенг киши юқори поғонада туради. Аввало ўзлигини, тарихини, миллий-диний қадриятларини тўла англай олади. Ёшлигидан илмга меҳр қўйиб, уни маҳкам тутган инсон куни келиб комилликка эришади. Халқига муносиб фарзанд бўлади. Ватанининг ишончига, фахрига айланади. Фарзандларимизни мана шундай комил инсон этиб тарбиялашда эса устоз дея аталмиш буюк зотнинг хизмати беқийсдир.

Устоз, мураббий. Бу сўзлар замирида улкан маъно-мазмун ётади. Унинг таърифу таҳсинига қалам ожизлик қилади. Бу зотнинг меҳру муҳаббатидан, илм булоқларидан бутун олам зиё нурларига тўлади. Илк бор мактаб остонасига қадам қўйган болажоннинг қўлига қалам ушлайтиб, ёзишни, ўқишни ўргатади, дунёни танитади. Умри давомида ҳар бир шогирд қалбига чин инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини жо қилиб боради. Катта ҳаёт остонасида турган келажак авлодга таълим-тарбия бериб, тўғри йўл кўрсатади.

Ўқитувчининг машаққатли бўлсада, лекин ўз шарафли касбига садоқати беқийс. Илмга ташна ҳар бир инсон қалбига маърифат чашмасини, маънавият офтобини сингдириб келаятган бу каби буюк зотларга қанча эҳтиром кўрсатсак, шунча камлик қилади. Босган изларидан илму саодат зарралари сочилиб турадиган буюк алломою донолар, дунёни тебратган шоҳу султонлар ҳам устозлар берган таълим-тарбияни ўзларида мужассамлаштириб, тарих зарваракларида ўчмас ном қолдиргани ўқитувчининг улуглигидан нишона.

Ўтмиш доноларининг бериб «Нима учун устозингиз отангдек хурмат қилсанинг» деб сўрадилар. «Отан менга ҳаёт берди, устозим эса илм бобида боқийлик бахш этди», деб жаваб берди.

Ҳақиқатан ҳам, устоз илм бериши билан кишининг номини улуглаб авлодлар тилида қолдиради ва иккинчи ҳаёт бағишлайди. Барча эзгу фазилатларни қалбига сингдириб, ноқис иллатлардан йироқлаштиради. Камтарликни ўзига дўст деб билган бу мўътабар зотлар шогирд аҳлига ибрат бўлиб, саодат йўлига чорлайди.

Биз устозларимиз қаршидада ҳар доим таъзимдамыз. Азиз устоз ва мураббийлар, сизларни айёмингиз билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз. Шарафли касбингизда улкан муваффақият, оилавий тинчлик, боқий умр тилаймиз. Саодат қўёши ҳамиша порлаб турсин. Умрингиз эзгулик булоғи каби барҳаёт, мартабангиз бунданда зиёда бўлсин.

**Умид МАХМУДУЖАЕВА,
Тошкент Ислам Университети талабаси**

Ҳар хил бактерияларнинг тўпламлари инсон ошқозон-ичак тизимида яшаб, бир-бири билан алоҳида нисбатда бўлиши маълум. Ушбу нисбат ичкадаги бактерияларнинг гуруҳлари ўртасида ривожланади, бунда бу жойга зарар тегмайдиган бактериялар тури кўпчиликни ташкил қилади. Баъзи ҳолларда бу нисбатнинг бузилиши кузатилади. Бактерияларнинг ҳам сони, ҳам сифати бузилиб, дисбиоз (лотин сўзидан dis — бузилиш ва bios — ҳаёт) ёки ичкадаги дисбактериоз пайдо бўлади. Ичкада бу бактериялар юқори ҳаёт фаолияти туфайли ўз сонини тиклаб олишга эришади. Шунинг учун дисбактериоз ҳолати инсонда узоқ чўзилмайди ва кейинчалик ичканинг нормал микрофлорасининг тикланиши билан тугайди. Ичканинг узоққа чўзилмаган бузилишлари антибиотиклар билан даволанганда кузатилади ва улар дисбактериал реакциялар деб ҳам аталади.

Кўпинча дисбактериоз организмда ҳар хил ёмон омилларнинг таъсири туфайли пайдо бўлади.

Овқатланиш болаларда дисбактериознинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланишининг асосий сабабларидан биридир. Чақалоқ туғилишининг биринчи кунларидан она сути орқали ичканинг лактобактериялар билан тўлиши бошланади. Она сути ўз таркибида жуда кўп фаол моддаларга эга бўлиб, ичкадаги фойдали бактерияларнинг ўсишини кучайтиради. Сунъий боқилаётган болалар кўкрак сути эмаётганларга қараганда дисбактериоз билан кўпроқ ва оғирроқ касалланади. Катта ёшдаги болаларда эса дисбактериоз сабаби асосан нотўғри овқатланиш бўлиб, асосий миқдор гўшт ва хамир овқатларга тўғри келади. Айтиб ўтиш керакки, дисбактериоз болаларда ичкотар ва жисмоний ривожланиши орқанда қолишига олиб келади. Катта ёшдаги одамларда дисбактериознинг ривожланиши асосан нотўғри овқатланиш сабабли пайдо бўлади ва болаларга қараганда кам учрайди. Шу билан бирга ўспиринлик вақтида пайдо бўлган дисбактериоз тўла даволанмаганлик сабабли сурункали турга ўтиб, узоқ йил давом этади.

Катталарда дисбактериознинг юзага келиши сабабларидан бири антибиотиклар, гор-

Мутахассис маслаҳати

ДИСБАКТЕРИОЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

монал препаратлар ва химиотерапия олишдир. Айрим антибиотикларни қабул қилишда, мушак, томир ичига юбориладиган муолажалар баъзан ичкадаги меъёр ҳолатда бўлган, зарарсиз бактерияларнинг кўпайишини тўхтатиб қўяди ва шу сабабли патоген, зарарли микроблар (кандида)нинг ошишига олиб келади. Химиотерапевтик препаратлар ва гормонлар ҳам модда алмашинувининг бузилиши орқали инсоннинг иммун тизимининг ўзгариши ва дисбактериозга олиб келиши мумкин.

Ошқозон-ичак тракти касалликлари (гастритлар, энтеритлар, энтероколитлар), бошқа турли касалликлар ва юқумли хасталикларда модда алмашинуви ва иммун тизими фаолияти бузилиши сабабли организмда дисбактериоз ҳосил бўлиши мумкин.

Инсон ичкадаги микрофлора таркибига, унинг сони ва сифати ўзгаришига ташқи муҳит омиллари ҳам таъсир қилади. Булар атмосферанинг бузилиши, ионли нурланиш, заҳарли моддалар билан сурункали заҳарланиш ва ҳоказо.

Кўпинча дисбактериоз юқорида қайтарилган токсик моддалар билан алоҳида бўлган инсонларда ривожланади. Дисбактериозда инсон ичкадаги микрофлора сифатининг бузилишини инобатга олган ҳолда уларнинг сонини кўпайтириш хусусиятига эга доридармонларни қўллаш табиийдир. Зарарли микробларнинг ўсишини тўхтатишда пробиотиклар ёрдам беради. Пробиотиклар махсус препаратлар бўлиб, микрооғмизмларнинг тирик шакли сифатида ичка микрофлораси таркибининг тўзатишга қодир. Пробиотикларнинг энг фойдали хусусиятларидан бири уларнинг табиий ҳолатга эга бўлишидир.

Шифокор тавсия қилган бошқа дориларни тўла-тўқис қабул қилиш, қаттиқ парҳез ушлаш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш касалликни тезда бартараф қилишга ёрдам беради. Бу касалликда албатта чекиш, ичимлик қабул қилиш, кўп стресс ҳолатларига тушиш чекланиши керак.

**Тоҳир ИБРАГИМОВ,
тиббийёт фанлари доктори, профессор**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда инсон эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқи олий қадрият ҳисобланиб, уни таъминлаш мустақил демократик жамиятнинг устувор вазифасидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қонунчилик базасини яратиш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг олдидаги вазифалар ҳам айнан фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир. «Туркистон-пресс» муҳбирининг бошқарма бошлиғи подполковник Илҳом Турғунов билан бўлган суҳбат давомида бугун юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида қилинаётган ишларга бир қадар назар ташланади.

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи бугунги куннинг долзарб масаласи сифатида вазирликнинг ҳам устувор вазифаларидан бири ҳисобланади, — дейди Илҳом Турғунов. — Президентимизнинг 2008 йил 1 майддаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига катта аҳамият берилаётганлигини яна бир бор исботлади. Ушбу фармон кўплаб ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

2008 йил 12 сентябрдаги Ички ишлар вазирлиги қошида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, ҳар бир минтақанинг тегишли хизматлари таркибида бўлинмалар ташкил этилган. Ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бу борадаги вазиятни таҳлил этиш, мазкур йўналиш билан шуғулланувчи институтлар билан ахборот алмашиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ички ишлар идораларида қонунлар, Президент ва ҳукумат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ҳамда вазирлик ҳужжатларини тайёрлаш, соҳа фаолиятини ОАВларида ёришти айти пайтда бошқарманинг асосий вазифаларидан биридир.

— Юртимиз аҳолисининг деярли олти миш фоизини ёшлар ташкил этади. Шу маънода бошқарма фаолиятида ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қилинаётган ишларга тўхталиб ўтсангиз.

— Айнан шу мақсадда тизимда алоҳида режа тасдиқланган ва бу борада амалга оширилаётган ишлар вазирлик ҳайат йиғилишларида доимий равишда таҳлил қилиб борилади.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ёшлар билан учрашувлар мунтазам равишда ташкил этилмоқда. Жумладан, бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан «Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишни тақомиллаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция уюштирилди. Бундан ташқари, ўқув муассасаларида «Сиз қонунни биласизми?», «Ёшлар жиноятчиликка қарши», «Баркамол авлод — келажак пойдевори», «Баркамол авлод — юрт таяничи» мавзуларида кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ички ишлар вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида Бош прокуратура, Адлия, Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан яқин алоқалар ўрнатилган. Шу мақсадда ИИБ, Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги ўртасида уч томонлама келишув ҳам имзоланган. Адвокатлар ассоциацияси билан тергов бош бошқармаси ўртасида тузилган ҳамкорлик битими, Ўзбекистон нодавлат ва нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан «Ювенал юстиция тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича, «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги, «Болалар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларни ишлаб чиқишда «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун» жамағатлари, «Истикболли авлод» ахборот-маърифий маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликдаги фаолият ёшлар билан ишлашда, улар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда асқотмоқда.

— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш борасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўналишлари ҳамда ҳам гапириб берсангиз?

— БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европадаги Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг республикамиздаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси, ЮНИСЕФ, Халқаро меҳнат ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро Қизил Хоч ташкилоти, Япониянинг Жайка (JICA) ташкилоти, Конрад Аденауэр, Фридрих Эберт, инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки фондлари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик алоқалари шулар жумласидандир.

Тошкент, Фарғона, Бухоро ва Хива шаҳарларида ИИБ етакчи соҳавий хизматлари ва худудий ички ишлар идоралари вакиллари иштирокида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда кўплаб семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Вазирлик академияси «Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти» кафедраси билан ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот бўйича маърузалар тўплами тайёрланди. ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси билан анжуман материаллари китоб сифатида 500 нусxada чоп этилди. Шунингдек, ички ишлар идораларининг ишонч телефонлари рўйхати, фуқароларнинг мунозаатлари тўғрисидаги плакатлар чоп этилди ва барча ички ишлар идораларида тарқатилди.

Вазирликда фуқаролардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, улар юзасидан атофлича ва ҳолисона текширувлар ўтказиш, текширув даврида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда қонунбузарликка йўл қўйган ҳодимларга нисбатан тегишли чораларни кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наргиза АСАДОВА суҳбатлашди.

Мамлакатимизда бугунги кунда болалар спортини ривожлантириш энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Ёшларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, кўплаб янги спорт иншоотлари, майдонлар қурилмоқда, юзлаб тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Мунтазам равишда «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» ўйинлари ўтказиб келинмоқда.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ИМКОНИАТ ВА ИҚТИДОРЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ



2004 йилдан буён Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги мурувват уйларида тарбияланган жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида Паралимпия спорт мусобақалари ташкил этилади. Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, ногиронлар спортини ривожлантириш, улар орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган иқтидор эгаларини саралаб олишдан иборатдир.

Яқинда жисмоний имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган Республика ўрта махсус касб-хунара коллежи спорт жамғармасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ва Ички ишлар вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Паралимпия уюшмаси, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, «Камолот» ЕИХ, «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан», «Меҳр нури» жамғармалари, «Чексиз имкониятлар» масъулияти чекланган жамияти ҳокорлигида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида VII Паралимпия ўйинларининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Финал босқичида Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидаги мурувват уйлари тарбияланувчиларидан 72 нафари олтига жамоага бўлинган ҳолда эстафета ва мини-футбол бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришди. Икки кун давом этган мусобақа давомида иштирокчиларнинг барчаси спорт кийимлари билан таъминланди. Яқиний натижаларга кўра шахримиздаги иккинчи ҳамда биринчи мурувват уйлари жамоалари ҳурмат шохсупасига кўтарилди.

— Бундай мусобақалар биз, ёшларнинг, спортга бўлган қизиқишларимизни янада оширади, келажакда ўз орзу-мақсадларимизга эришишимизда куч ва матонат бағишлайди. Мен барча тенгдошларимни ҳаётда кучли ва иродали бўлишга чорлайман, — деди 2-Мурувват уйи тарбияланувчиси Тилла Каримов.

Мутахассисларнинг фикри билан айтганда, болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Фаол ҳаракат тўлақонли ҳаётнинг негизини ташкил қилади. Аънавий тарзда Паралимпия ўйинларини ўтказиш орқали бу борада муайян тажрибага эга бўлинди ва

аниқ натижаларга эришилди. Республикада 16 нафар болажон реабилитация орқали ўз оиласи бағрига қўшилди, 38 нафар ётиб қолганлари ўзгалар ёрдамида аста-секин ҳаракат қила бошлади, 15 нафари мустақил ўзи юришга ўрганди, 79 нафари сузишни ўзлаштирди. Энг асосийси спорт болаларининг жисмоний ва руҳий ривожланишида ижобий ўзгаришларга асос бўлмоқда. Уларнинг дунёқарashi, онг ва тафаккури теранлашмоқда, яшашга бўлган қизиқиши ортмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2004-2008 йиллар мобайнида Тошкент шаҳридаги биринчи ва иккинчи болалар мурувват уйлари тарбияланувчиларининг 30 нафари Россия Федерацияси, Бельгия, Туркия ва Канада давлатларида ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этиб, муносиб ўринларни эгаллади. Юртимиз паралимпиячилари жаҳон ва Осиё чемпионатларида, кўплаб халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келаётирлар. Жумладан, 2007 йилда Туркияда футбол бўйича ногиронлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик футбол жамоаси бош соvrиннинг соҳиби бўлган. 2009 йил-

да Японияда ташкил этилган Паралимпия ўйинларида ҳамюртларимиз бешта олтин, учта кумуш ва бронза медалларини кўлга киритган бўлсалар, АҚШда кўзи ожизлар ўртасида ўтказилган бутунжаҳон ёшлар ва талабалар ўйинларида спортчиларимиз битта олтин ва тўртта бронза медалига сазовор бўлди. Жорий йилда Қувайтда энгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро мусобақада вакилларимиз иккита олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медалига эга бўлишди. Ўтган йиллар ичида мурувват уйларида стадионлар, спорт майдончалари ва заллари янгитдан бунёд этилди, мавжудлари қайта таъмирланди. Пойтахтимиздаги 2-Мурувват уйида болаларнинг реабилитацияси бўйича услубий марказ ташкил этилиб, бу ерда бир неча маротаба уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам савиясини кўтариш борасида амалий-услубий семинарлар ўтказиб келинмоқда. Ёшларимизнинг келажакдаги ҳаётини имкон қадар ўз ўрнига қўйишда ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда спорт мусобақаларининг аҳамияти жуда каттадир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
Козим Ўлмасов олган суратлар

Юрган дарё

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Кундан-кунга янада гўзаллашиб бораётган юртимизда ҳар кун янгиликдан бохабар бўлиш, эзгуликка йўрилган ишларни кузатиш одатий ҳолдир. Яқинда нишонланган энг улғу ва энг азиз мустақиллик байрамимиз олтидан республикамиз бўйлаб пиёда саёҳат қилиб, бир олам таассуротлар билан қайтган Адҳамжон Ҳасановнинг дил сўзлари бунинг яна бир қарра далилидир.

Гап шундаки, узоқ йиллар давомида автобус ва энгил машиналарни моҳирлик билан бошқариб, йўловчилар узоғини яқин қилган Адҳамжон Ҳасанов ҳозирда нафақада бўлишига қарамастан, юртимизда амалга оширилаётган кўламини кенг бунёдкорлик ишлари, ёшларга бўлган ғамхўрликни кузатиб, «бунга мен ҳам ўзимнинг озми-кўлими ҳиссамни қўшсам» деган ният билан яшамоқда.

Яқинда мана шу мақсад бўй кўрсатди, Адҳамжон Ҳасанов «Ўзбекистим» миллий компанияси ҳомийлигида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни дилга тугди ва бепоён Ватанимиз бўйлаб пиёда сафарга чиқди. Пойтахтимиздан бошланган саёҳат давомида Адҳамжон Ҳасанов Оҳангарон шаҳри, Қамчиқ довоидан ўтиб, Тошкент ва Наманган вилоятлари, Андижон ва Аска шаҳарларида бўлди, Фарғонада ҳам тўхтаб ўтди.

— Ал-Фарғоний бобомизнинг юртида муқаддас қадамжоларни зиёрат қилгандаги фахр-ифтихорни сўз билан ифодалаб бера олмайман, — дейди қаҳрамонимиз. — Камида 500 километр йўл босиб, республикамизнинг тўртта вилоятига борган бўлсам, мустақиллик йилларида рўй берган катта ўзгаришларни кўриб, ақлим шошди. Бири-бириндан ўтадиган гўзал иморатлар, ўкув юрталари, муҳташам кўприклар, замо-

навий гузарлар, равон йўллар, орасталлик ва ободончиликдан кўз қувнайди. Одамларимизни айтмайсизми, одамоҳун, меҳрибон, камтар-камсуқум. Керак бўлса, ўзи ёмай сизга тутадиган меҳмондўст. Хамма ерда мени шундай очик чеҳра билан самимий кутиб олишди, зарур ҳолда тиббий ёрдам ҳам кўрсатишди.

Биз саёҳатчининг таассуротларини тинглаб, мана шундай овоз ва обод юрт, саховатли ва олийҳиммат халқнинг фарзанди бўлганидан гурурга тўлган ҳамшаҳримизнинг режалари билан қизиқдик.

— Насиб этса, мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб Тошкент-Самарқанд-Бухоро йўналишини бўйлаб саёҳатга чиқаман, — деди суҳбатдошимиз. — Мустақил Ўзбекистоннинг оддий бир фарзанди бўлиб, юртимга таъзимимни шу йўл билан изхор этмоқчиман. Ёшларга эса тилагим яратилаётган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, шу юртининг оғирини энгил қиладиган, тараққиёт ва ривожига муносиб ҳисса қўшадиган инсон бўлиб вояга етишсин. Фарзандларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳеч қайси давлатда йўқ, Обод ва овоз Ватанимиз бунданда гуллаб-яшнасин, тинчлигимиз абадий, осмонимиз мусаффо, меҳнатқаш ва оқибатли халқимиз омон бўлсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт янгиликлари

Россиянинг Ҳанти-Мансийск шаҳрида 158 мамлакатдан келган 1376 нафар шахматчи иштирокидаги жаҳон шахмат олимпиадасида беллашувлар қизгин паллага кирди, деб хабар беради ЎЗА.

БАҲСЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси тўртинчи турда Литва вакилларига қарши дона сурди. Нафиса Мўминова — Деиманте Даулит, Ольга Собирова — Симона Лимонтаите ўртасидаги беллашувларда дуранг натижа қайд этилган бўлса, Юлдуз Ҳамроқулова Зивил Сараксукиени, Хулкар Тоҳиржонова

Веста Калвитни мот қилди ва терма жамоамизнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Бешинчи турда ҳамюртларимиз кучли рақиб — Латвия терма жамоасига қарши ўтказилган учрашувда 2:2 ҳисобида дурангга эришди. Нафиса Мўминова ва Ольга Собирова латвиялик гроссмей-

стерлар — Лаура Рогул ва Илза Берзинага қарши партияларда дурангга розилик берган бўлса, Нодира Нодиржонова Катрин Скинке-ни мағлубиятга учратиб, терма жамоамиз ҳисобида бир очко қўшди. Бунгача кетма-кет тўрт учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган Хулкар Тоҳиржонова Викториа Нига ютқазди.

Ўзбекистон эркеклар терма жамоаси нуфузли мусобақанинг бешинчи турида Ямани 3,5:0,5 ҳисобида енгни. Тажрибали гроссмейстерларимиздан Антон Филиппов Хотим Ал-Хадаронийни, Алексей Барсов эса Башир Ал-Қудаймийни мот қилди. Истеъдодли ёшлардан Андрей Квон Муҳаммад Жамилдан устунлигини исботлаган бўлса, Жўрабек Ҳамроқулов ва Зандон Аз-Зандоний ўртасидаги партияда ғолиб аниқланмади.

Зоҳир
ТОШХҲАЕВ

ЧЕМПИОН МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 21-тур беллашувларидан сўнг чемпионат ғолиблигига даъвогарлик қилаётган «Бунёдкор» ва «Пахтакор» командалари очколари орасидаги фарқ бироз қисқарди.

Йигирма турдан бери мағлубиятга учрамай келаётган амалдаги чемпион жамоа «Бунёдкор» Зарафшонда «Қизилқум» билан кечган мurosасиз баҳсда мезбонларга 0:1 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди ва муҳим уч очкодан маҳрум бўлди. Мезбонларга ғалаба келтирган голни маҳоратли футболчи Леонид Кошелёв дарвозага йўллади.

Турнир жадвалида шу кунгача 46 очко жамғариб, «Бунёдкор»ни изма-из таъқиб қилиб келаётган «Пахтакор» Муборақда «Машъал» билан куч синашиб, шиддатли курашларга бой, мurosасиз кечган баҳсда 2:1 ҳисобида муҳим ғалабани кўлга киритди. Дарвозаларга голларни «Машъал»дан Шоймов, «Пахтакор»дан Азизов ва Гейрих киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хоразм» — «Нефтчи» — 2:1, «Олмалик» — «Металлург» — 3:2, «Андижон» — «Шўртан» — 2:1, «Навбахор» — «Локомотив» — 2:0, «Динамо» — «Насаф» — 0:0.

Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоаларининг 22-тур учрашувлари 2 октябрь кунини бўлиб ўтади.

Беларусь пойтахти Минск шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича уюштирилган халқаро турнирда Беларусь, Ўзбекистон, Россия, Литва, Польша, Украина, Норвегия, Исроил, Швеция мамлакатларидан келган спортчилар ғолиблик учун кураш олиб борди.


АНТОН — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Шуниси қувонарлики, халқаро турнирда иштирок этган ҳамюртлимиз Пекин Олимпиадаси бронза медали совриндори Антон Фокин кўпқураш баҳсларида номдор рақибларини ортада қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

Терма жамоамиз аъзоларидан Отабек Машарипов, Давлат Норметов, Равшан Осимов турли йўналишларда машқ бажаришда тўртинчи ўрин эгаси бўлишди.

Халқаро турнир якунида терма жамоамизга умумжамоа ҳисобида учинчи ўрин насиб этди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу халқаро турнир мамлакатимиз спортчиларига 16-25 октябрь кунлари Голландиянинг Роттердам шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати олдидан ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

«БАДОЙИЪ УЛ-БИДОЯ»ДАН

Бировки, ишқу май илгида
мубтало бўлғай,
Не тонг, агар анга ҳар
лаҳза юз бало бўлғай.

Кулмакка ўрганур эл ҳар
сўзки деса манжун,
Ул сўзни жамъ қилса,
кулмакни истар афзун.

Девонаки, маст бўлса дойим,
Кулмакка эрур сўзи мулойим.

Ўрганса улус, эмас таҳайюр,
Гоҳи керак элга ҳам тамасхур.

Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Курт жондан кечиб,
ипак бўлди.

Лола тухмича
гайратинг йўқму?!
Пилла куртича
ҳимматинг йўқму?!

Гарчи бас тийрарўдур
ул зулумот,
Фам эмас, чун бор
анда оби ҳаёт.

Шўхеки, ўкуш хусну жамол
ўлғай анга,
Бир хусн яна хусни мақол
ўлғай анга.

Лаъли аро дурларида гар
бўлса қусур,
Сўз дерда керакким,
инфиол бўлғай анга.

Ҳар ерда баҳор ўлса,
чаман бўлса керак,
Ҳар ерда чаман, гулу
суман бўлса керак.

Ҳар қайда хазон бўлса,
тикан бўлса керак,
Ҳар қайда тикан, ранжу
миҳан бўлса керак.

Гул бўлса, тикан доғи
бўлур бўстонда,
Дур бўлса, садаф доғи
бўлур уммонда.

Юз гул аросида бир
тикан бўлса, не тонг?!
Юз яхши ичинда бир
ёман бўлса, не тонг?!
Минг соғар ичилса,
ўйлаким оби ҳаёт,
Бирнинг таҳида дурдидан
бўлса, не тонг?!

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва фтизиатрия кафедраси жамоаси фтизиатрия кафедраси доценти Козим Собитович Муҳамедовга отаси Собит отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
262 тиража босилади.
Қағоз Ўзбекистон А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.